O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
2 ПАЙҲОН: ҲАМ УВОЛ, ҲАМ ЖИНОЯТ
3 АВЛОД БАРКАМОЛЛИГИ
4 ИНСОНИЙЛИК БУРЧИ
СУРОНЛИ УМР САРҲИСОБИ

MEZON:

Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами, шунингдек, бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш тартиби ва бундай дафтарча шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда унинг дубликати шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг ўша тартиб рақами қўйилган ҳолда берилади.

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 9-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 13 (419)
2005 йил
12 апрел
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ДУНЁГА ЮЗЛАШИШ ОДИМЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга сафарлари ҳақида қайдлар

Ҳар бир давлат ўз халқининг манфаатларидан келиб чиқиб, ташқи сиёсий концепцияларини ишлаб чиқадики, натижада жаҳон сиёсий оламида бу борада бир-бирига ўхшамаган турфа устувор тамойил ва ёндашувлар шаклланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, унинг асосида давлат мустақиллиги, халқимизнинг манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлиги каби тамойиллар мужассам эканини кўриш мумкин.



Мамлакат ташқи сиёсатида ана шундай назарий таҳлилга асосланган, мустаҳкам ва пухта илмий заминга таянган ёндашувни яратиш масаласи тобора долзарброқ аҳамият касб этиб бораётган экан, айни масалага Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар мисолида тўхталиб ўтишни жоиз топдик.

Бу ўринда айнан Ҳиндистон танлангани бежиз эмас. Бунга аввало, куни кеча Президентимиз Ислом Каримов давлат ташрифи билан шу мамлакатга бориб келгани туртки бўлган бўлса, иккинчидан, Ҳиндистон яна шуниси билан қадрлики, юртимиз ҳали давлат мустақиллигини қўлга киритмаган бир паллада, аниқроғи, 1991 йилнинг 17-19 август кунлари Ислом Каримов расмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлган, ушбу сафар кўлами ва унда муҳокама этилган масалалар миқёсига кўра, мустақил давлат раҳбарининг ташрифи сифатида таассурот уйғотган эди.

"Одатда тарихий воқеаларнинг нечоғли аҳамиятли эканлиги уларни таққослаганимизда яққолроқ кўзга ташланади. Бундан беш-ўн йил, ҳатто юз йил аввал, ўзбек халқининг давлат бошлиғи мустақил сиёсат юритиб, қўшни мамлакатларга; жумладан, Ҳиндистонга расмий ташриф буюришини тасаввур этиб бўлмас эди. Чунки бундан юз йил аввал ҳам биз мустақил давлат эмас, мустамлака эдик. Мана энди қайта тикланган ҳақ-ҳуқуқларимиз ва мустақиллик ҳақида қабул қилинган Декларациямиз бизнинг жаҳон миқёсига дадил қадам ташлаб чиқишимизга имкон берди", дея сафар таассуротларини баён қилган эди Ҳиндистонга ташриф буюрган ўзбек делегацияси таркибида бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. (Қаранг: "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 28 август, 1991 йил.)

Дарҳақиқат, шундай бўлган эди. Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга сафари асосида ҳар икки томоннинг ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, тарихий алоқа ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда кенгайтириш истагида экани яққол намоён бўлган эди. Чунончи, Президент Ислом Каримов Ҳиндистоннинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда вазирлари билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасида иқтисод, савдо, фан ва техника, маданият, таълим ҳамда бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни шакллантиришга келишиб олган ва иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданият, санъат, таълим, фан, туризм, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланиши билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосига пойдевор қўйилган эди.

Ҳиндистонга бўлаётган ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида биринчи саҳифа бўлгани боис кўплаб хорижий ахборот агентликлари мамлакатимизнинг бундан кейинги ташқи сиёсат бобидаги мўлжаллари билан қизиққан эди. Жумладан "Таймс оф Индия " газетаси мухбири саволига Президент Ислом Каримов шундай жавоб берган: **"Биз жуда кўп вақт мобайнида мафкуравий бидъат, янглишишлар, ақидалар ва ҳаётдан узилиб қолган чақириқлар ҳамда шиорлар, фикр-мулоҳазалар остида қолиб кетдик. Мен Ўзбекистон яқин келажакда биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр турган кўпгина мамлакатларда ўз консулхоналарини очишига ишонаман... Ўзбекистон Осиё республикаси эканини ҳисобга олиб, Осиё-Тинч океани минтақасидаги бошқа мамлакатлар билан ҳам савдо ҳамда иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишни режалаштираяпмиз. Биз ўзаро манфаатли асосда иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрмиз".** *(Қаранг: "Ўзбекистон овози" газетаси, 16 август, 1991 йил)*

Ҳиндистонга ўша сафар яна шуниси билан тарихий аҳамиятга эгаки, Президент Ислом Каримов ҳинд тупроғида бўлиб турган бир пайтда Москвада давлат тўнтариши ясашга уринган бир тўда кучлар ҳокимиятни эгаллаб олади. Ўз-ўзидан аёнки, хорижда ўзини мустақил давлат раҳбари сифатида намоён этаётган Ислом Каримовнинг бу саъй-ҳаракатларига улар бефарқ қараши мумкин эмасди. Бу ҳақда Ўзбекистон делегацияси таркибида бўлганлардан бири шундай ҳикоя қилган эди: "19 август куни Тошкентга қайтаётганимизда Агра шаҳрида элчихона маъмурлари Москвада давлат тўнтариши рўй бергани ҳақидаги хабарни айтишди.

(Давоми иккинчи бетда)

СЕШАНБАДАН СЕШАНБАГАЧА

МАМЛАКАТИМИЗДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

* * *

Миллий матбуот марказида Жаҳон саломатлик куни муносабати билан "Бирорта ҳам она ва болани эътибордан четда қолдирмайлик" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

* * *

"Ўзэкспомарказ"да "Medicina Uzbekistan—2005" кўргазмаси очилди. Уни Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Стоматологлар уюшмаси, "Ўзбектибтехника" акциядорлик компанияси, Буюк Британиянинг "ITE Group Plc" халқаро компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси каби ташкилотлар ҳамкорликда ташкил этди.

* * *

Хива шаҳрининг тарихий обидаларига бағишланган алоҳида веб-сайт ташкил этилди. У Тошкент Давлат техника университети компьютер технологияси факультети томонидан амалга оширилди.

ХОРИЖДА

Ироқ парламенти депутатлари мамлакат Президентини сайлади. Ушбу лавозимга "Курдистон ватанпарварлар иттифоқи" етакчиси Жалол Талабоний сайланди.

* * *

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр мамлакатда умумхалқ сайловлари шу йилнинг 5 май куни ўтказилишини билдирди.

* * *

Покистон Президенти Парвез Мушарраф Покистон—Хитой ҳамкорлигида мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари учун мўлжалланган «JF - 17 Thunder» (FC - 1 "Chao Qi") русумли қирувчи самолётлар ишлаб чиқара бошланишини маълум қилди.

* * *

Ангола Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, «Марбург вируси»дан ҳаётдан кўз юмганлар сони 146 нафарга етди.

* * *

Ватикан давлатида Иоанн Павел II ни охирги йўлга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Авлиё Петр черковига дунёнинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар етиб келган. Маълумотларга қарагандa, Папани дафн этиш маросимида 2 миллион нафардан зиёд киши иштирок этди. Уларнинг 200 нафари турли давлатлар раҳбарларидир. Ватикан тарихида бу энг оммавий кузатиш тадбири ҳисобланади.

* * *

Қоҳиранинг сайёҳлар орасида машҳур бўлган "Ал Муски" бозорида рўй берган портлаш натижасида тўрт нафар одам ҳалок бўлган, саккиз нафари эса жароҳатланган.

* * *

Афғонистон жанубий шарқида АҚШ қуролли кучларига қарашли вертолёт ҳалокатга учради. АҚШ ҳарбийларининг билдиришича, вертолёт бортидаги 16 нафар аскарларнинг барчаси қурбон бўлган.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Xabar

Шу йил 9 апрель куни Адлия вазирлигининг Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги, вазирлик тизимидаги идора ва муассасаларнинг ўтган 2004 йилги фаолияти якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 январда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси ва 2005 йил 7 февралда Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган мажлисдаги маърузаларида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган адлия идораларининг вазифалари муҳокама этилди. Мажлисни Адлия вазири Бўриқтош Мустафоев бошқарди ва маъруза қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, Суд қарорларини ижро этиш ва судлар фаолиятини моддий ҳамда техника жиҳатидан таъминлаш Департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, бир қанча вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ОАВ ходимлари иштирок этган мазкур мажлисида адлия идораларининг ўтган йилги фаолияти атрофлича таҳлил этилди. Жумладан, қонун ижодкорлиги, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, мажлисда вазирлик тизимида кадрларни танлаш, тарбиялаш, жойжойига қўйиш борасидаги ишни қайта ташкил этиш ҳақида сўз юритилди. Жумладан, вазирлик тизимида кадрлар заҳирасини яратиш, ёш, серғайрат ва билимли ёшларни танлаб олиш, уларга ўз имкониятларини юзага чиқариш учун зарур шароитларни яратиб бериши лозимлиги тавсия этилди. Бу масалани ҳал этиш учун Адлия вазирлиги тизимида кадрлар билан ишлаш Дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида вазирлик фаолиятига тегишли бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Ҳайъат мажлисида адлия идоралари олдида турган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Bizning sharh

Мамлакатимизда олий давлат вакиллик органи — қонун чиқарувчи ҳокимият ўз фаолиятини икки палаталик асосда амалга оширишга киришгани миллий давлатчиликни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Аниқроқ айтганда, юртимизда ҳам дунёнинг тараққий этган давлатлари қатори том маънодаги парламентаризмга асос солинди.

СЕНАТОРЛИК ФАОЛИЯТИ

ВАКОЛАТ ВА КАФОЛАТЛАР

Энг асосийси, мамлакатимизда икки палатали парламентнинг фаолият юритиши жамиятимизни модернизация қилиш, яъни том маънодаги янгиланиш, айниқса, давлат қурилиши ва бошқарувидаги эскича қараш каби иллатлардан тезроқ халос бўлишимизга имкон беради. Аниқроғи, жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш кўп жиҳатдан ҳокимият тизимининг тармоқларга бўлиниши тамойили асосида ҳар бирининг мустақил фаолиятини, улар ўртасида мувозанатни, мувофиқликни таъминлашга ҳам боғлиқ бўлади.

Ривожланган унитар давлатлардан Япония, Франция, Италия, Испанияда, шунингдек, Федерацияга асосланган АҚШ, Мексика, Россия, Германия, Швейцарияда парламент икки палатали асосда фаолият юритади.

Жаҳондаги давлатлар Сенатни шакллантиришда турли усуллардан фойдаланади. Мисол учун АҚШ, Италия, Япония, Швейцария каби давлатларнинг юқори палатаси тўғридан-тўғри сайлов ўтказиш йўли билан ташкил этилса, Францияда билвосита овоз бериш ва республиканинг ҳудудий жамоа вакиллари тарзида амалга оширилади. Бельгия ва Ирландияда эса сайлов ва тайинлаш усулларидан фойдаланилади. Мамлакатимизда ҳам Сенат аъзоси ҳудудлардан вакил сифатида сайланиш орқали, 16 нафари эса Президент томонидан тайинланиш йўли билан Сенатдан жой эгаллади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ жараён уч йилдан ортиқ вақтни талаб қилди. Бундай парламентни ташкил этиш жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўзгаришларга олиб келиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, энг аввало, 2002 йилнинг 27 январида умумхалқ референдуми ўтказилди. Президент Ислом Каримов умумхалқ референдуми муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида ***"Юқори палата, аввалambор, Россия Федерация Кенгаши ёки Франция сенати, АҚШ сенати каби фаолият юритиши керак",*** дея таъкидлаган эди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биринчидан, Сенат халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари орқали маҳаллий ҳокимият манфаатларини ифода этса, иккинчидан, Қонунчилик палатаси тақдим этган бирор-бир қонун лойиҳаларини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик орқали ўз ҳудудлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонун қабул қилиш жараёнини амалга оширади.

Сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асослари хусусида сўз юритганда, сенатор ўз фаолиятини авваламбор, Конституция, **"Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида"**ги Конституциявий қонунлар, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"**ги ва ниҳоят, **"Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"**ги қонунларга мувофиқ амалга оширади.

"Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонун 2002 йил 4 апрелида қабул қилинган бўлиб, унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий тамойиллари белгилаб берилди. Айнан шу Конституциявий қонун орқали миллий қонунчилигимизга Сенат, Сенат аъзолари ёки сенатор каби юридик атамалар кириб келди. Унга кўра, Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади.

Икки палатали парламентни ташкил этишнинг умумий қоидаларини белгилаб берган ушбу Конституциявий қонун **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"**ги Конституциявий қонунни (2002 йил 12 декабр) қабул қилишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Бу қонунда Сенат, Сенат аъзоси билан боғлиқ тушунчалар мазмунан бойитилиб, батафсил баён этилди.

(Давоми учинчи бетда)

МАНСАБ МАСЪУЛИЯТИ

Tahlil ko`zgusi

Ҳар қандай мансаб ва ваколат кишига юклатилган масъулият, демакдир. Афсуски, айрим мансабдорлар ўзларига ишониб топширилган ваколатни суиистеъмол қилиб, жиноятга қўл уришади. Қонунчиликда бундай жиноят турига нисбатан қатъий жазо чоралари белгиланган. Зеро, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жамият учун энг хавфли жиноятлардан бири ҳисобланади. Чунки бундай жиноятни содир этган кимса ўзининг қонунларни менсимаслиги, нафс балосига йўлиққанини намоён этиш билан бирга, ўзи бошқараётган идора ёки ташкилотнинг ҳам обрўсини тўкади.

Масаланинг ана шу муҳим жиҳатини ҳисобга олган ҳолда Андижон вилояти прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат идоралари билан ҳамкорликда жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш, фош этиш ва жиноят содир этганлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш бўйича тегишли иш режаси ишлаб чиқилган. Унда мансабдорлик билан боғлиқ жиноятларга қарши курашни ташкиллаштириш, уларнинг олдини олиш, фош этиш ҳамда дастлабки терговда шахс ва жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилган. Ушбу режа асосида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили мансабдорлик билан боғлиқ жиноятларни анча камайишига эришилди. Шу билан бирга 556 нафар мансабдор шахсларга нисбатан қўзғатилган 232 та жиноят ишлари айблов хулосаси билан судларга юборилиб, тергов самарадорлигини яхшилаш ва тергов қилинган ишлар бўйича жавобгарликка тортилиши лозим бўлган барча мансабдор шахсларнинг аниқланиши таъминланди.

Маълумот сифатида айтадиган бўлсак, ўтган йил давомида вилоят прокуратура идораларига мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан 280 та ариза, шикоят ва хабарлар келиб тушган. Уларнинг 120 таси асосида жиноят ишлари қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Ариза ва шикоятларнинг асосий мазмунини ўзганинг мулкини талон-тарож этиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш оқибатида давлатга моддий зарар етказилгани, иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаётгани, айрим раҳбарларнинг ўз қўл остидаги лавозимларга ўз таниш-лари ёки қариндош-уруғларини тайинлагани, корхона, ташкилот, муассасанинг мулки нотўғри хусусийлаштирилгани, бюджетга тегишли солиқ ва тўловлар ўз вақтида амалга оширилмагани, тергов ва суриштирув давомида қонунсиз усул қўлланилгани, пора олгани каби ҳолатлар ташкил этади.

Ўтган йили жавобгарлардан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш, фуқаро, корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 2201 та даъво қўзғатилиб, суд муҳокамасига юборилди. Суд қаноатлантирган даъволар бўйича 931 миллион 500 минг сўм ундиришга эришилди. Масалан, Хонобод шаҳридаги 2-қурилиш-монтаж акциядорлик жамиятининг мансабдорлари иш ҳажмини ва материаллар нархини ошириб кўрсатиб, маблағларни нақдлаштириш каби жиноятига қўл уришган. Дастлабки терговда жамиятга улар етказган 38 миллион 600 минг сўм зарар вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига ундирилди. Йил мобайнида юқоридаги каби 90 та жиноят иш қўзғатилиб, давлатга етказилган 3 миллиард 800 миллион сўмлик зарарнинг 3 миллиард сўмдан зиёдроғи айбдорлар томонидан дастлабки терговда давридаёқ тўланди.

Мансабдорлик соҳасидаги жиноятлар учун судлар томонидан жазо тайинлаш амалиёти таҳлили содир қилинган жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси, унча оғир бўлмаган иқтисодиёт соҳасига оид жиноятларни содир этган ҳамда етказилган зарарни қоплаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланаётганини кўрсатади. Бу эса айбдорларга нисбатан жазо тайинлашда инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилинаётганидан далолатдир.

Маълумотларга қараганда, 2004 йил мобайнида вилоят судлари томонидан 5338 нафар шахсга нисбатан 3694 та жиноят ишлари кўрилган бўлиб, шундан 269 та жиноят иши мансабдорлик соҳасига оид жиноятлардир.

Судлар томонидан жазо тайинлаш амалиёти шуни кўрсатадики, 2004 йил мобайнида мансабдорлик соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларни 56 нафарига, яъни 7,6 фоизига озодликдан маҳрум қилиш, 128 нафарига ёки 17,4 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари, 210 нафари ёки 28,6 фоизига жарима, 9 нафари ёки 1,2 фоизига қамоқ, 7 нафарига шартли жазо турлари тайинланган.

(Давоми учинчи бетда)

ДУНЁГА ЮЗЛАШИШ ОДИМЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистонга сафарлари ҳақида қайдлар

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Самолётдаёқ Ўзбекистоннинг бундан кейинги йўлини муҳокама қилдик. Президентимиз Ислом Каримов, биз қандай бўлмасин Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлидаги курашни давом эттирамиз, дедилар. Биз расмий сафар иштирокчилари у кишини бир овоздан қувватладик. Шундай қилиб, Тошкент аэропортига мустақиллик учун курашни давом эттириш туйғуси билан қадам қўйдик". *("Ўзбекистон овози" газетаси, 24 сентябр 1991 йил)*

Хуллас, бундан 14 йил аввалги ўша сафар Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан алоқаларининг дебочаси бўлган ва энг муҳими, у хайрли амалларни бошлаб келган эди. Ҳинд диёрига ташрифдан кейин икки ҳафта ўтар-ўтмас юртимизда истиқлол қуёши нур соча бошлайди.

1993 йил май ойида Ҳиндистоннинг ўша пайтдаги Бош вазири Нарасимхо Рао мамлакатимизга ташриф буюради. Бу даврга келиб Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаш зарурияти сезилиб қолган, халқаро жараёнларга жадал кириб бораётган ёш давлатнинг қарашлари Ҳиндистон нуқтаи назари билан ҳамоҳанг экани кўзга ташланган, алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётгани натижасида ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга эҳтиёж пайдо бўлган эди. Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар сўнгида мамлакатларимиз ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши катта воқеа сифатида баҳоланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳамда ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумлар қабул қилиндики, бу томонларнинг барча соҳаларда муносабатларни кенгайтиришга интилаётгани, энг муҳими, бундан бирдек манфаатдор эканини амалда намоён қилди.

1994 йил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти Ҳиндистонга навбатдаги сафар билан бошланди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов уч кун мобайнида ҳинд заминида бўлиб, Президент Шанкар Шарма ва Бош вазир Нарасимхо Рао билан мулоқотлар ўтказди. Ушбу ташриф чоғида Ҳиндистон расмийлари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи юксалиб бораётганини эътироф этиб, давлатимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббусларни қўллаб-қувватлажагини маълум қилишди.

Президент Ислом Каримов ушбу сафари чоғида ҳинд ишбилармон доиралари ва саноатчиларини мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва бизнес қилиш истиқболлари ҳамда хорижий шериклар учун яратилган инвестициявий шарт-шароитлар билан таништиришга асосий эътибор қаратди ҳамда уларни ўзбек диёрида фаолият юритишга даъват этди.

Ушбу сафар ҳам самарали келишув ва аҳдлашувларга бой кечгани тез орада амалда ўз исботини топди. Ҳиндистонлик сармоядорлар бирин-кетин Ўзбекистон сари юзлана бошлади.

2000 йил 1 май. Президент Ислом Каримов учинчи марта Ҳиндистонга йўл олди. Бу ташрифга давлат мақоми берилгани бежиз эмасди: ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, манфаатли алоқаларни ривожлантиришга интилиш Ўзбекистон учун ҳам, Ҳиндистон учун ҳам энг мақбул сиёсат экани амалда тўлиқ исботини топган эди.

Ўша пайтда икки мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатлар сони ўттизтага етган бўлса-да, мазкур ташриф чоғида имзоланган иккита ҳужжат кўпчиликнинг эътиборини тортди. Бу икки ҳужжат халқаро уюшган жиноятчилик, терроррчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур келишув жиноятчиларни ушлаш ва топшириш, шу орқали ўзга юртда паноҳ топишни истаган кимсалар йўлига тўсиқ қўйиш имконини берди.

Умуман, Ҳиндистонга учинчи ташриф чоғида моҳиятига кўра, бир-биридан аҳамиятли ўнга яқин ҳужжатлар қабул қилиндики, бу аввало, мулоқотлар самарали кечганидан дарак берса, пировардида икки томонлама муносабатларда бурилиш ясаш имконини юзага келтирди.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 2004 йилга келиб ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 160 миллион долларга етди, ҳинд сармоядорлари иштирокидаги корхоналар сони 25 тадан ошди. Ҳиндистонлик ишбилармонлар, айниқса, ўзбек фармацевтика бозорига жадал кириб келди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 4-6 апрел кунлари давлат ташрифи билан тўртинчи марта Ҳиндистон заминига ташриф буюрди.

Ҳинд диёрига ушбу сафар бошланишидан аввал ҳам, ташриф давом этаётган кунларда ҳам бу мамлакатнинг энг кўп хорижий сармоя кираётган давлатлар қаторида туриши-ю ядро технологиялари ва коинотни забт этишдаги илғорлиги, ахборот технологияларини ривожлантириш бобидаги мислсиз ютуқлари кўп бора эътироф этилди. Бундан ташқари, бу мамлакат аҳолиси 1 миллиард нафардан ортиқ бўлса-да, шунча одамнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантирибгина қолмай, четга ҳам сотаётгани тилга олинди.

Давлатимиз раҳбарининг Ҳиндистон Президенти Абдул Қалам ва Бош вазир Манмохан Сингх билан учрашувлари амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим сиёсий асос бўлди. Шу билан бирга мулоқот чоғида давлатларимизнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга нисбатан қарашлари муштараклиги ойдинлашди.

Музокаралар якунида 13 та ҳужжат, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни назарда тутувчи ҳужжатга имзо чекилдики, унинг аҳамияти ҳақида сўз кетганда, Ҳиндистон кейинги йилларда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда хусусий секторнинг улуши 75 фоиздан ошган, ўрта ҳол аҳоли сони кўпаяётган, мухтасар айтганда, иқтисодиёти замонавий талаблар асосида ривожланаётган мамлакат эканини эътироф этмоқ лозим.

Бундан ташқари, ҳар икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳақида шуни айтиш мумкинки, Ҳиндистон Ҳарбий Ҳаво кучлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 6 та юк ташувчи замонавий самолётларни сотиб олди. Келгусида бу борадаги ҳамкорликнинг кенгайиши, ҳарбий-техникавий соҳаларда тажриба ва ахборот алмашиш ҳар икки томон учун фойдалидир.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Ҳиндистон давлат савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми эса, ҳар икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишни кўзда тутади.

Хуллас, Ўзбекистон—Ҳиндистон муносабатлари Президент Ислом Каримовнинг **муштараклик бўлмаса, ташқи сиёсат ҳам бўлмайди,** деган фикрининг нечоғли ҳаққоний эканини амалда намоён қилади. Зотан, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг қамрови ва кўлами йил сайин янги-янги жабҳалар ҳисобига кенгайиб бораётгани бу алоқалар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик сингари мустаҳкам асосга қурилганини тасдиқлайди.

Мадамин САФАРОВ,
шарҳловчи

Huquqiy saboq

САВОДЛИ ФЕРМЕР — ОМАДЛИ ФЕРМЕР

Хоразм вилояти адлия бошқармаси ҳамда "Ҳуқуқшунос аёл" Маркази Германиянинг Ўзбекистондаги "Агроакция" ташкилоти билан ҳамкорликда фермерлар учун туркум ўқув машғулотларини жорий этди. Адлия бошқармасида ўтказилган дастлабки семинар-тренингда деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят ҳамда туман вакиллиги раҳбарлари, етакчи мутахассис ходимлари ўз малакаларини оширдилар. Унда фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб ҳуқуқий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама этилди.

Таъкидлаш жоизки, бу йил вилоятда ширкат хўжаликларини оммавий равишда фермерликка ўтказиш тадбири амалга оширилди. Мавжуд 89 та ширкатнинг 72 таси негизида янгидан 5 мингга яқин йириклаштирилган. фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ҳозир вилоятда 12 минг 700 дан зиёд фермер хўжаликлари мавжуд. Воҳада анча турғунлашиб қолган аграр соҳани равнақ ва рентабеллик йўлларига олиб чиқишда фермерликка ихтисослашувнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Навбатдаги машғулотларни фермер хўжаликларига ишни ташкил этиш, тежамкорлик, маблағлар, бошқа моддий воситалар, ишчи кучларидан оқилона фойдаланиш, маркетинг ва хизмат кўрсатиш сингари масалаларга бағишлаш кўзда тутилаяпти.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy maslahat

ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

Мен тадбиркорлик фаолиятига жуда қизиқаман. Шунинг учун ўзим ҳам хусусий фирма ташкил этиш ниятидаман. Айтинг-чи, бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак. Бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

Алишер УСМОНОВ,
Тошкент шаҳри

— Хусусий фирма ташкил этишингиз учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова қилинган *"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"*ги қарорининг *"Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Низоми 11-бандига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан келиб ёки почта орқали) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:*

- таъсис ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси (давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди);

- тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат (фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

- давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги бўнак тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

- белгиланган тартибда шаҳарлар (туманлар) статистика органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

- муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада илова қилинади.

Ушбу Низомнинг 1-иловаси 1-бандига мувофиқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлар субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига мурожаат қиласиз.

«ЁРДАМ БЕРИЛАДИМИ?..»

Акам Асраев Олимжон 2004 йил 20 сентябрда иш вақтида юрак хуружи туфайли бевақт вафот этди. Унинг 2 нафар фарзанди ва хотини боқувчисиз қолди.

Акам Қуйичирчиқ туман электр тармоқлари корхонаси ишлаган. Ҳозирги пайтда болалари вояга етмагани учун давлат томонидан нафақа олади.

Саволим шундан иборатки, болалар нафақасидан ташқари акамнинг иш жараёнида вафот этгани инобатга олиниб, унинг оиласига қўшимча бирор-бир моддий ёрдам кўрсатилиши мумкинми?

М.ҚЎЧҚОРОВА,
Тошкент шаҳри

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, *"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 19, 20, 21, 22-моддаларида боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш шартлари ҳақида сўз юритилган. Жумладан, мазкур қонун бўйича боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш учун вафот этган боқувчининг, қоида тариқасида, қарамоғида турган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлиши, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланиши лозим.*

Ушбу қонуннинг 19-моддасида шундай деб таъкидлаб ўтилган: "Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлади". Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг "в" бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида тургантурмаганлигидан қатъи назар тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолса, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам, 16 ёшга тўлмай ногирон бўлиб қолган бўлса. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўгай ота, ўгай она, хотин, эр башарти; улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлса;

в) ёши ва меҳнатга қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд буви, бува, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набиралари, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви — агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса;

Ўқувчилар — 18 ёшга тўлганга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам, бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар".

Бундан ташқари, акангиз электр тармоқлари корхонасидаги сабаб билан вафот этган бўлса, бу борада ҳам ўша корхона маъмурияти унинг фарзандларига ёрдам бериб туриши лозим.

Саволларга ҳуқуқшунос С. НИЁЗОВА жавоб берди.

Shartnoma qonunchiligi

ҲИММАТНИНГ ҚИММАТИ

БУ УЛУҒВОР ТУШУНЧАНИ АНГЛАМАСЛИК ОҚИБАТИ НИМАГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

Ҳимматпарварлик яхши фазилат. Муҳтож одамни қўллаш, унга қайсидир томонлама кўмакдош бўлишнинг савобига нима етсин. Шу боис халқимиз азалдан олижанобликка олижаноблик, ҳимматга ҳиммат билан жавоб қайтаришга одатланган. Аммо бунинг акси сифатида сиз кўрсатган марҳаматга эътиборсизлик қилинса-чи?

Бундан икки йилча муқаддам "Бибихон-К" кичик корхонаси ва "Халқобод момиғи" акциядорлик жамияти ўртасида қурилиш ишларини амалга ошириш юзасидан контрактация шартномаси тузилади. Шартномага кўра, "Бибихон-К" кичик корхонаси "Халқобод момиғи" акциядорлик жамиятига дахлдор қурилиш ишларини жадал бошлаб юборди. Шу зайлда акциядорлик жамияти томонидан ажратилган 5.000.000 сўмлик маблағ ҳисобидан бир қисм бунёдкорлик ишлари бажарилди. Аммо кейинчалик акциядорлик жамияти кичик корхонага маблағ топиб бера олмаганлигидан, қурилиш объектларида бирданига иш тўхтаб қолди.

Нима қилиш керак? Тадбиркорга ҳар дақиқа ғанимат. Бундай пайтида у узоқ йиллаб ўтирмайди. "Бибихон-К" корхонаси бошлиғи А.Матимов ҳеч иккиланмасдан, ҳимматпарварлик йўлини танлади. Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажариш мақсадида "Пахтабанк"нинг ҳудудий бўлинмасидан 15.000.000 сўм миқдорида кредит олди ва турар жой биноларини қурилишини яна қизғин давом эттирди. Енг шимариб киришилган иш ўз самарасини берди ва қурилиш ишлари тўлиқ ниҳоясига етди.

Шу тарзда "Бибихон-К" кичик корхонаси 23.286.277 сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Бироқ "Халқобод момиғи" акциядорлик жамияти раҳбарияти саховатга саховат кўрсатиш зарурлигини унутиб қўйди. "Бибихон-К" кичик корхонаси елкасига эса, емаган сомсага пул тўлаш қабилида, банкдан олинган кредит ҳисобига 1.065.680 сўмлик фоиз тўлови ҳамда 3.712.500 сўмлик устама оғир юк бўлиб тушди. Ниҳоят, иш Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судида кўриб чиқилди. Қизиғи шундаки, "Халқобод момиғи" акциядорлик жамияти вакили суд мажлисида шартнома мажбуриятларининг бажарилишига ҳеч қандай эътироз билдирмаган ҳолда, бизда харжлар марказлаштирилган турда трестимиз томонидан тўланади, дея қарз ғавғосидан ўзини олиб қочмоқчи бўлди. Аммо суд "Халқобод момиғи" акциядорлик жамияти ҳисобидан "Бибихон-К" кичик корхонаси фойдасига жами миқдори 28.064.457 сўм бўлган қарз пулини ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Шунга ўхшаш "Омир-97" ишлаб чиқариш тижорат фирмаси 2003 йил 5 августдаги шартномага мувофиқ, "Бек-ЖКК" кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобига қурилиш материаллари сотиб олиш учун 4.000.000 сўм пул ўтказди. Бу ерда ҳам лафзсизлик ҳолати юз бериб, "Бек-ЖКК" корхонаси "Омир-97" фирмасига 2.000.000 сўмлик қурилиш материаллари етказиб берди-ю, қолган пул эвазига фирмани на қурилиш материаллари билан таъминлади ва на қарз пулини қайтарди. Буниси етмагандек, фирма вакилларининг ҳақли талабига беписандлик билан қараб, ўзаро ҳисоб-китоб далолатномасига имзо чекишдан ҳам бош тортишди.

Мазкур масала ҳам хўжалик суди томонидан ижобий ечим топди. Фуқаролик кодексининг 236-моддаси ҳамда Хўжалик-процессуал кодексининг 135,138-моддаларига биноан жавобгардан даъвогар фойдасига 2.000.000 сўм миқдоридаги асосий қарз ва 1.000.000 сўм миқдорида устама ундириладиган бўлди.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунда шартномалар тузилиши ва уларга амал қилиш тартиби атрофлича баён этилган. Бу тартиб-қоидага риоя этишни хушламаган тараф охир-оқибат қонун олдида жавоб беради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Суд шартнома қонунчилигига бўйсунмаган, саховат, олижаноблик туйғусини ҳис этмаган субутсиз кимсаларга ҳимматнинг қимматини тушунтириб қўйди.

Озод ҚАИПНАЗАРОВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qaror va ijro

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ана шу ислоҳотлар самараси ўлароқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йили 10,1 фоиз ошди. Бошоқли дон экинларидан 5 миллион тоннага яқин ҳосил олинди. 3,5 миллион тонналик пахта хирмони уюлди.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизими тубдан ўзгарди. Фермерлик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда. Бугун республикамизда 100 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва айнан улар муҳим қишлоқ хўжалик экинларини етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчиларга айланаётир.

ПАЙҲОН:

ҲАМ УВОЛ, ҲАМ ЖИНОЯТ

Эл-юрт дастурхони тўкинлиги заминимизга қадалган ҳар бир уруғнинг унишига, баравж ривожига, мўл ҳосил беришига боғлиқ. Бу фақат деҳқоннинг эмас, барчамизнинг бойлигимиз, ризқу насибамиздир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йилнинг 5 мартида қабул қилган **"Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида"**ги қарори деҳқон меҳнатини қадрлаш, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган экинзорларни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини яна бир бор эслатди. Бахтга қарши, азиз неъмат — ғалланинг пайҳон қилинишига сабабчи бўлаётган кимсалар ҳам орамизда йўқ эмас.

— Ўтган йили бу йўналишдаги чора-тадбирлар етарли даражада амалга оширилмагани боис кўплаб қонунбузарлик ҳолларига йўл қўйилди, — деди Республика Бош прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори Бахтиёр Холмирзаев. — Экинзорларни қўриқлаш борасида етарлича чоралар кўрилмагани, жойларда дала қоровуллари қўйилмагани туфайли экинлар пайҳон қилиниб, фермер ва ширкат хўжаликларига катта миқдорда зарар етказилди. Бунда асосан, чорва молларининг қаровсиз қолдирилгани, техника воситаларидан ноўрин фойдаланиш ҳоллари сабаб бўлгани сир эмас.

Айтиш жоизки, қонунчиликда бунинг учун тегишли жавобгарлик чоралари белгиланган. Жумладан, **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 104-моддаси кўра, экинзорлар пайҳон қилинса, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказилса ёки йўқ қилиб юборилса, кўчатларга шикаст етказилса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солинади.

Экинзор ёки кўчатзорлар техника воситаларида босиб ўтилса, нобуд қилинса, ҳуқуқбузарларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солинади. Бундай хатти-ҳаракатлар шу фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, уларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади.

Экинлар транспорт воситалари билан пайҳон қилинса, **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 104-моддаси 2-қисмига кўра энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима белгиланган.

Бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масаласи Жиноят кодексининг 198-моддасида ҳам кўзда тутилган. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номи зикр этилган қарорда ҳам экинларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрмаган ва пайҳонга йўл қўйган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжаликлар ва уларнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарларини қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш қайд этилган. Шунингдек, уй ҳайвонлари қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш зарурлиги ҳам таъкидланган.

Шу ўринда ўтган йилги мисолларга мурожаат қилсак. Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги "Ҳақиқат" ширкат хўжалиги аъзоси Ю.Тошевнинг моллари 34,7 гектар пахта ва фуқаро И.Ҳалимовнинг моллари 4 гектар ғалла майдонини пайҳон қилган.

Фарғона вилояти, Риштон туманидаги "Ёшлик" ширкат хўжалигида экилган ғалла экинлари мониторинг қилинганда, хўжасизлик оқибатида экилган экинлар кўкармасдан қолганлиги, шунингдек, хўжаликнинг 5,6 гектар экин майдонини чорва моллари пайҳон қилгани аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги "Машимғой" фермер хўжалигининг кузги ғалла экилган 7 гектар майдонини Ж.Жубановнинг йилқилари пайҳон қилиб, 1 миллион 280 минг сўм миқдорида зарар етказилган. Мазкур ҳолатлар бўйича айбдорлар суд ҳукмига кўра жазога тортилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Мамлакатимизда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш борасида деҳқон ва фермер хўжаликларининг улуши тобора ортиб бораяпти. Бироқ айрим тайёрловчи корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини бажаришда сусткашликка йўл қўяётгани бу борада турфа низоларни келтириб чиқармоқда. Худди шундай муаммолардан бири ўтган йили "Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти билан тумандаги "Мўминжон ҳожи қизи Одинабону" фермер хўжалиги ўртасида юзага келди.

НИЗО БАРҲАМ ТОПДИ

Гап шундаки, дастлаб Қува тумани ҳокимининг 2003 йил 5 октябрдаги 700-сонли қарорига мувофиқ фермер хўжалигига 2004 йилда давлат эҳтиёжи учун 15 тонна уруғлик буғдой ва 8,8 тонна товар дони етказиб бериш мажбурияти юкланди. Эртаси куни фермер хўжалиги "Вилоятдавуруғназоратмарказ"ига аъзоликка қабул қилинди ҳамда бунинг учун фермер 14-сонли тўлов топшириқномаси билан 40.000 сўм аъзолик бадали ҳам тўлади. Шундан сўнг "Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти билан фермер хўжалиги ўртасида 8,8 тонна товар дони, 15 тонна уруғлик буғдой етказиб бериш ва харид қилиш бўйича 234, 235-сонли контрактация шартномалари имзоланди.

Шартнома — қонун ва лафз демакдир. Буни яхши ҳис қилган фермер хўжалиги раҳбари Одина Холматова енг шимариб ишга киришди. Аввалига шартномаларнинг 2.4-бандига биноан бўнак ҳисобидан етказиб берилган 2475 килограмм "Навалчанка" навли, 1980 килограмм "Крошка элита" навли уруғ ерга сепилиб, ҳафтаўн кун ичида бир текис ундириб олинди. Навбати билан буғдойзорни пайҳонгарчиликдан сақлаш, минерал ўғит билан ўз вақтида тўйинтириш, бегона ўтлардан тозалаш — хуллас, барча агротехник тадбирлар оби-тобида амалга оширилди.

Ғаллага ўроқ тушгач, ўртада можаро бошланди. Фермер хўжалиги "Қувадонмаҳсулотлари"га 2004 йилнинг 16 июни куни 1, 2, 3, 4, 5, 6-сонли юк хатлари билан 15 тонна уруғлик, 9,6 тонна товар дони — жами 24,6 тонна дон етказиб бериб, шартномавий режани ортиғи билан уддалади. Лекин жамият дастлабки 15 тонна буғдойни уруғлик сифатида эмас, балки товар дони сифатида қабул қилди. Бу эса фермерни таажжублантирди.

— Биз "Вилоятдавуруғназоратмарказ"инининг хулосасига таяниб шундай қилдик, — дейишди "Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти вакиллари фермернинг мурожаатига жавобан, — сиз топширган дон уруғлик буғдойнинг белгиланган меъёрларига мос келмас экан.

Дарҳақиқат, "Вилоятдавуруғназоратмарказ" мутахассислари 8 май ва 5 июнь кунлари фермер хўжалиги вакилларининг иштирокисиз тузган далолатномаларида "қумлик ерга кам ўғит солинган" деган важни рўкач қилишиб, "хўжалик етиштирган дон уруғлик учун ярамайди", дея хулоса беришган. Ваҳоланки, 2004 йил 14 июн куни Қува туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги бош ҳосилотлари А.Турдалиев, К.Чўлиев, туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси мутахассиси А.Охунов фермер етиштирган буғдойни текшириб, уруғлик учун яроқли экани ҳақида хулоса беришган. Негаки, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси сўровига асосан "Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти йўллаган 55/1-сонли жавоб хатида топширилаётган доннинг намлиги 12,4, ифлослиги 3,3, тўлиқлиги 721, дон бирикмаси 5 фоиздан ошмаса уруғлик учун қабул қилинишини, шунга асосан фермер топширган уруғлик буғдой "Ўз ДТС-2004" талабларига жавоб беришини маълум қилган.

Бундан ташқари, "Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти топширилган маҳсулотнинг ҳақини тўлашни ҳам асоссиз равишда чўзиб юборди. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 465-моддасида ***"Контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш мажбуриятини олади. Тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш, унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш мажбуриятини олади"*** деб белгиланган. Тарафлар ўртасида тузилган шартномада фермер белгиланган донни етказиб бериш, "Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти эса доннинг ҳақини 7 кун ичида тўлаш мажбуриятини олган. Шуни назарда тутган фермер хўжалиги раҳбари О.Холматова бир неча марта жамият раҳбарларига мурожаат қилиб, ўзи топширган доннинг 15 тоннасини уруғлик буғдой нархида қайта ҳисоблаб, қолган дон учун ҳам тўловни амалга оширишларини сўраган. Бироқ "Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти фермернинг мурожаатини рад этган.

Шундан сўнг О.Холматова қонуний ҳақини ундириб беришларини сўраб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Адлия бошқармаси фермернинг аризасини ўрганиб чиққанда, юқоридаги ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Фуқаролик кодексининг 333-моддасида **"Қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради"** деб, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 4.3-бандида **"Тайёрловчи хўжаликка тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган маблағнинг 0,4 фоизи, лекин 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда устама тўлайди"** деб таъкидланган. Бинобарин, вилоят адлия бошқармаси 2004 йил 6 май куни 70-01-04-2004-сонли тариф бўйича фермер хўжалиги топширган 15 тонна уруғлик буғдой учун 2.478.300 сўм маҳсулот қиймати,

Qonun ko`magi

тўлов кечиктирилган 90 кун учун 892.170 сўмлик устама, 9,6 тонна товар дони учун 750.399 сўм маҳсулот қиймати, тўлов кечиктирилган 80 кун учун 240.080 сўмлик устама жами 3.228699 сўм асосий қарз ва 1.132.250 сўмлик устамани фермер ҳисобига ундириб бериш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Суд "Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятининг молиявий аҳволини инобатга олиб, белгиланган устамани 823.310 сўмга камайтиришни лозим топди ва фермер хўжалиги фойдасига жами 4.052.209 сўм, шунингдек, ишни кўриш билан боғлиқ давлат божи, алоқа харажатларини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Энг қизиғи, "Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти шундан кейин ҳам ўз айбини тан олишни истамади. Аксинча, вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қароридан норози бўлиб Олий хўжалик судига апелляция шикояти йўллади. Лекин Олий хўжалик суди ҳам вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди. Шу тариқа икки ўртадаги низо барҳам топди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳаётда ўзганинг ҳақи ҳеч кимга насиб этмаган, этмайди ҳам. Аччиқ бўлса-да, ҳар биримиз бу ҳақиқатни тан олишимиз шарт. Шундагина ўзимизни ғам-ташвишдан халос қилган бўламиз. Баён этилган воқеа ҳам фикримизнинг яққол мисолидир.

Равшанжон ҚИРҒИЗОВ,
ҳуқуқшунос
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

СЕНАТОРЛИК ФАОЛИЯТИ

ВАКОЛАТ ВА КАФОЛАТЛАР

Bizning sharh

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мисол учун айтсак, сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил мамлакатимиз ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкинлиги (6-модда); Сенат аъзоларининг деярли кўпчилиги ҳудудлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларидан сайланиши ва бир гуруҳ сенаторлар Президенти томонидан тайинланиши; Сенат ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шакллари, яъни иккала палатанинг биргаликдаги ва Сенатнинг мутлақ ваколатлари, Сенат мажлиси, Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари, парламент сўрови билан боғлиқ давлат қурилишида янги институт; Сенат раҳбарлари: раис, унинг ваколатлари, раис ўринбосарлари, кенгаш, қўмиталарни сайлаш, қўмиталарнинг ваколатлари, қўмиталарнинг ишини ташкил этиш, шунингдек, қўмиталарнинг мажлислари, қўмиталар томонидан қабул қилинадиган қарорларни тегишли давлат идораларининг кўриб чиқиши шартлиги, Сенат томонида тузиладиган комиссиялар фаолияти билан боғлиқ меъёрлар; шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, кўриб чиқиш учун юборилган қонунларни маъқуллаш ёки рад этиш; рад этилган қонунларни келишув комиссиясида ҳал этиш билан боғлиқ фаолият, қонунларни қайта кўриб чиқиш, имзолаш, эълон қилиш ва юқори палатанинг ишлашини тартибга солувчи қатор меъёрлар жой олган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги 2003 йил 29 августда қабул қилинган қонун асосида парламентнинг юқори палатаси фаолиятини ташкил этиш ҳамда палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун асос бўладиган ҳуқуқий механизм яратилган. Унда қонунга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин бўлиб, улар тузатишлар шаклида расмийлаштирилади, деб кўрсатилгани алоҳида эътиборга молик.

Шу ўринда ушбу қонуннинг 2-моддасидаги Сенат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ биргаликда ва эркин муҳокама қилиш; ошкоралик, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тамойилларини эслаш жоиз. Зеро, Сенат иши вақти-вақти билан ўтказиладиган мажлислар, қўмиталарнинг мажлисларига чақириладиган сенаторларнинг фаолиятига асосланади.

Ушбу қонунда Сенат мажлисида масалаларни кўриб чиқиш тартиби, жумладан, қонунлар ҳамда қарорларни қабул қилиш тартиби; давлат бюджетини қабул қилиш; Сенат томонидан мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш); Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини тасдиқлаш; Сенатнинг референдум ўтказиш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш; амнистия тўғрисида ҳужжатни қабул қилиш; назорат қилиш соҳасидаги ваколатларини (парламент сўрови, ҳисоботлар, қўмиталарда давлат идораси ва бошқа ташкилотларнинг ахборотини эшитиш) амалга ошириш жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ тартибни белгилаб берилгани юқори палатада бир маромда ишни ташкил этишни кафолатлайди.

Сенатда доимий асосда фаолият кўрсатаётган ёки хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда амалга ошираётган сенатор **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”**ги қонунда белгилаб берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, мажбуриятларга итоат этган ҳолда сенаторлик фаолиятини амалга оширади. Сенатор жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Шунингдек, у мажбурий келтиришга, уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорти воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситалари, унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмаслиги каби дахлсиз ҳуқуқларга эга. Сенаторнинг дахлсиз ҳуқуқлардан маҳрум қилиш уни чақириб олиш масаласи ҳал этилгандан сўнг амалга оширилади. **“Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”**ги қонуннинг (2004 йил 2 декабр) қабул қилиниши сенаторни чақириб олишда янги институтга асос солди.

Ушбу қонуннинг 1-моддасида сенатор жиноий, фуқаровий, маъмурий ҳамда жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда тегишли қонун ҳужжатларини бузганида; ахлоқ-одобининг умумэътироф этган меъёрларини қўпол равишда бузувчи ва сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик идораларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножўя ишлар содир этганида; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз амалга оширмаган (жумладан, Олий Мажлис Сенатининг мажлисларида, уларнинг органлари ишида иштирок этмагани, уларнинг топшириқларини бажармагани) ҳолатлар уни чақириб олишга асос бўлади, деб кўрсатилган.

Сенаторлик фаолиятини амалга оширишда унинг фаоллиги ўта муҳим аҳамиятга эга. Зеро, сенаторлар авваламбор, ҳудудларнинг вакили бўлгани учун умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш уларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорликларини кўп жиҳатдан юқори даражада йўлга қўйилганига бевосита боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, сенаторлар фаолиятини тартибга солишда ҳуқуқий механизм бўлиб хизмат қилаётган юқорида қайд қилинган конституциявий қонунлар ва қонунларнинг амалда тўлиқ ишлашини таъминлаш, энг муҳими, президент ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ўтказиш, унинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, масаласи юзасидан илмий жиҳатдан асослантирилган тадқиқотларни амалга ошириш лозим. Тадқиқотчиларнинг асосий эътибори Сенат фаолиятига алоқадор Ўзбекистон Конституцияси, қонунларнинг мазмун-моҳиятини давр нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилиш, қонунлардаги меъёрларни бир хил ифодаланишига эришиш юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар ва хулосалар ишлаб чиқишга қаратилган бўлса, айни муддао бўлар эди.

Юқори палатанинг қуйи палатадан фарқига келсак, Сенат биринчидан, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлардан, яъни ҳудудийлик асосида тенг миқдорда (6 нафардан) сайланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан (16 нафар) тайинланган сенаторлардан иборат таркибда тузилган. Иккинчидан, Сенат аъзолари қуйи палата томонидан тақдим этилган қонунларни маъқуллаш ёки рад этиш орқали давлатимизда, жумладан, ўзлари вакили бўлган минтақа манфаатларини инобатга олган ҳолда қонун ижодкорлигида иштирок этади. Учинчидан, конституциявий қонунда Президент ваколатларининг айримлари Сенат зиммасига юклатилган.

Тўртинчидан, Сенат йилига камида уч марта мажлисларга тўпланиб, қуйи палата томонидан тайёрланган қонунларни муҳокама этади ва ўз қарорини қабул қилади.

Бешинчидан, сенатор қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмаслиги билан ҳам қуйи палата депутатидан фарқланади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **Сенатнинг бу тарзда шакллантирилиши қонунчиликнинг энг юқори органи бўлмиш Олий Мажлисга мамлакатнинг юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини беради.**

Хулоса қилиб айтганда, Сенат ва сенатор фаолиятига дахлдор юқорида номи тилга олинган ҳар бир қонун сенаторлар фаолияти учун муҳим дастуриламал, зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифаларни амалга оширишларида ишончли кафолат бўлиб хизмат қилади.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Jamiyatimiz maqsadi

Оила ҳар бир миллатнинг бардавомлигни таъминлайдиган, миллий қадрият ва анъаналаримиз ривож топадиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий, жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган муқаддас маскандир. Оила жамият негизи бўлса, оиланинг вужудга келишига никоҳ асос бўлади. Никоҳ аввало йигит ва қизнинг тенг ҳуқуқли оила қуриш мақсадида қонун билан белгиланган шарт ва тартибларига риоя қилиб, икки ёшнинг ихтиёрий келишуви, яъни розиликлари билан тузилади.

АВЛОД БАРКАМОЛЛИГИ

Мамлакатимизда қонунчилигида никоҳ ёши йигитлар учун 18 ёш, қизлар учун эса 17 ёш деб белгиланган. Никоҳни қайд этиш учун икки ёшнинг бирини доимий яшаш жойларидаги ФҲДЁ бўлимига мурожаатлари билан амалга оширилади. Қонунда никоҳланувчилар никоҳга кириш ҳақида ариза бергач, бир ойлик муддат белгиланади. Шу муддат ўтгандан сўнг никоҳнинг қайд қилиниши кўрсатилган. Бир ой муддат ичида никоҳланувчилар никоҳ тузишга бўлган ўз хоҳишларини яна бир бор текшириш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари никоҳни қайд қилиш учун монелик қиладиган ҳолатлар ҳам аниқланиши мумкин. Шу ўринда никоҳни қайд қилиш учун қандай ҳолатлар тўсқинлик қилиши мумкин, деган савол туғилади. Бундай ҳолатлар:

- никоҳга кирувчилардан бири рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган бўлса;

- никоҳга кирувчилар насл-насаби шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, тутунган ёки ўгай ака-ука ва опа-сингиллар бўлса;

- никоҳ тузувчи шахслардан лоақал бири руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган бўлса.

Шу ўринда яна бир ҳолат хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Яъни баъзи оилаларда қизнинг розилигини олмай туриб фотиҳага рухсат бериш, қалин пули олиш, ёшларни ўзи севмайдиган, ёқтирмайдиган кишиларига турмушга чиқишга мажбур қилиб, уларнинг бахтига зомин бўлиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Шу боис ҳам никоҳнинг ўзаро розилик асосида ташкил топиш шартининг бузилиши унинг ҳақиқий эмас деб топилишига эмас, балки ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиб, никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва қўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳам асос бўлади. Бундай жавобгарлик Жиноят кодексининг 136-моддасида қуйидагича белгиланган:

Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш, шунингдек, аёлни эрга тегишига тўсқинлик қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баробари миқдорида жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Амалдаги оила қонунчилигида белгиланган никоҳ ёшига риоя қилмасдан ғайриқонуний равишда никоҳ муносабатида бўлиш ҳар хил ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтириши мумкин. Бундай никоҳ ҳам ҳақиқий эмас деб топилиб, тегишли шахсий ва мулкий ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Жиноят кодексининг 98-моддасига биноан никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳда бўлиш — бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки шу муддатгача ахлоқ тузатиш ишига ҳукм этиш, жинсий жиҳатдан вояга етмаган шахс билан никоҳда бўлиш уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиш билан жазоланади.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365 сонли қарори билан тасдиқланган **“Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”**ги Низом талаблари ҳамда Оила кодексининг 17-моддасига биноан **никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтиши шарт.**

2004 йилнинг 1-январидан бошлаб ушбу Низомнинг 8-бандига асосан никоҳ тиббий текширувидан ўтганлик ҳақидаги маълумотномасиз қайд қилинмаслиги белгиланиб қўйилган. Никоҳдан ўтишни истаган фуқаролар ФҲДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қилгач, уларни доимий яшаш жойларидаги тиббий даволаш муассасаларидан тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланма берилади.

Ушбу йўлланма билан никоҳланувчи шахслар Низомда назарда тутилган, яъни руҳий, наркологик, заҳм, сил, ОИТС касалликлари бўйича тиббий кўрикдан ўтади. Никоҳни қайд этишда никоҳланувчи шахслар иккинчи томонни тиббий кўрик натижаларидан хабардор қилиши шарт. Албатта, текширув натижасида дарҳол даволаниш лозим бўлган касалликлар аниқланган ҳолатда улар тегишли тартибда даволаш муассасаларига юборилади.

Бундан ташқари, текширилаётган шахс яшаш жойидаги даволаш-маслаҳат комиссиясининг хулосасидан норози бўлса, вилоят ва республика тиббий даволаш муассасаларида такрорий тиббий кўрикдан ўтиши мумкин. ФҲДЁ идораси ходимлари никоҳни қайд этиш вақтида уларга маълум бўлган шифокорлик сирларидан иборат маълумотларни ошкор этганлиги учун жавоб беради. Ўз навбатида тиббий кўрикни ўтказган шифокор ҳам натижаларнинг холислиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Баъзан ФҲДЁ бўлимларимизга никоҳланувчи фуқароларнинг ота-онаси ёки танишбилишлари келиб, фарзандларининг никоҳини қайд қилишни сўрашади. Уларга никоҳланувчи шахсларнинг ўзлари келиб мурожаат қилиши ва никоҳ тузиш тартиблари тушунтирилганда, улар ўринсиз хафа бўлади. Ҳолбуки, қонунда никоҳ фақат никоҳланувчиларнинг иштирокида қайд қилиниши, никоҳнинг ишонч қоғози ёки вакил орқали қайд қилинишига рухсат этилмаслиги таъкидлаган.

Айтмоқчимизки, оила миллат тақдири, унинг ривожи ва барҳаётлигига бевосита дахлдор муқаддас маскан. Шу маънода унинг поклиги, мустаҳкам ва барқарорлигини таъминлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Э. ПАРДАЕВА,
М. АБДУЛЛАЕВА
Сурхондарё вилояти

Xabar

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Пойтахт ёшлари ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, амалдаги қонунлар моҳиятини ёш авлодга тушунтириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ёшларнинг муносиб иштирокини таъминлаш, ёшларда қонунларга ҳурмат билан қараш туйғуларини тарбиялаш, уларда она Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, қонунлар тарғиботини сифат босқичига кўтариш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида шу йил 11 апрел куни халқ таълими бошқармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими, адлия, Ички ишлар бошқармалари, Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар суди иштирокида **“Сиз қонунни биласизми?”** кўрик танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Унда умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди. 5 турдаги шартдан иборат кўрик-танловида Чилонзор туманидаги 202-мактаб жамоаси ғолиб чиқди ва республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловга йўлланма олди. Кўрик-танлов ғолиби қатнашчилари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қиммат-баҳо совғалар, фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланди.

Аброр БЕГДИЕВ,
ҳуқуқшунос

ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

2005 йил 8 апрел куни Адлия вазирлигида “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва тугатиш тартиби (қонунчилик ва амалиёт)” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ва уларнинг ҳудудий бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссиялар вакиллари, шунингдек, ҳудудий адлия идоралари ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда таъкидландики, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, давлат рўйхатидан ўтиш учун тадбиркорлик субъекти 1991 йилдан 1994 йилгача 1 ой, 1994 йилдан 2001 йилгача 10 кун вақт сарфланган. 2001 йилдан буён эса бу муддат 3 кунни ташкил этиб, давлат солиқ, статистика идоралари ҳисобга қўйиш ҳамда ички ишлар идораларидан муҳр-штамп ясатишга рухсат олиб бериш ҳам рўйхатга олувчи идора зиммасига юклатилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарорига асосан юқоридаги ҳаракатлар билан бирга тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ҳам амалга оширилмоқда.

Аммо ўрганишлар ва таҳлиллар натижаси давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ҳукумат қарорида кўрсатилган муддатларни бузилиши, ортиқча ҳужжатларни талаб қилинган ҳолатлар мавжудлигини кўрсатади. Семинарда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхати ва қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида амалиётда йўл қўйилган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан фикр алмашилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг **“Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”**-ги қарорининг жойлардаги ижроси муҳокама қилинди. Аксарият ҳолларда тугатиш комиссиялари ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётгани таъкидланди. Жумладан, корхоналарнинг ўз фаолиятларини тиклаш ёки тугатиш масаласини ҳал этиш учун қарорда бир ҳафта муддат кўрсатилган бўлса-да, Фарғона вилоятида 6 ойлаб бу масала ҳал этилмай келинаётгани маълум қилинди. Бундай ҳолатни бошқа вилоятларнинг тугатиш комиссиялари иш фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Бу эса корхонанинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарзи устама ҳисобига кўпайишига ҳамда ундиришни қийинлаштирилишига олиб келаётгани таъкидланди. Тадбиркорлик субъектларига нафақат давлат рўйхатидан ўтиш ва иш фаолияти жараёнида, балки тугатиш жараёнида ҳам кўмаклашиш кераклиги уқтириб ўтилди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда давлат рўйхатидан ўтиш ва тугатиш жараёнида тўсқинлик бўлмаса, ўша давлатга инвестиция оқими бошқа давлатларга нисбатан анча юқоридир.

Семинар қатнашчилари жойларда ишни тўғри йўлга қўйиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар беришга ўзаро келишиб олишди.

Tahlil ko`zgusi

МАНСАБ МАСЪУЛИЯТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Таҳлиллардан кўринадики, мансабдорликка оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоизга камайган. 2004 йил мобайнида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган мансабдорлик жиноятлари учун судланган 724 нафар шахсдан 157 нафарига Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланилиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Шунингдек, айрим айбдорлар **“Амнистия тўғрисида”**ги Президент Фармонларига асосан жазо тайинланмасдан озод қилинган. Хусусан, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг ҳукмига кўра “Андижон ёғ-мой” акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Бахтиёр Мадалбеков ва бошқалар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилиб, уларга 2 миллион 176 минг сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган. Ушбу акциядорлик жамияти раиси Б.Мадалбеков мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, жамиятнинг қиймати 16 миллион 767 минг 793 сўм бўлган “Ласетти” русумли автомашинасини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган. Бундан ташқари, у жамият бош ҳисобчиси М.Тожиаҳмедов ва фирма дўкони катта сотувчиси О.Тоштемиров билан жиноий тил бириктириб, тайёр маҳсулотларни сотишдан тушган 1 миллион 845 минг 352 сўм нақд пул маблағларини назорат касса машинасига кирим қилмасдан, жамият ғазнасига ўтказиб юбориб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини қўпол равишда бузишган. Шунингдек, улар 16 миллион 906 минг 300 сўм нақд пул тушумини талон-тарож қилишган. Улар томонидан келтирилган зарар қопланган учун жарима ундирилиб, лавозимларидан озод этиш билан чекланилди.

2004 йилда судлар томонидан кўрилган мансабдорликка оид жиноят ишлари бўйича дастлабки терговда қамоққа олинган 4 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиб, суд залидан озод қилинган. Масалан, жиноят ишлари бўйича Улуғнор тумани судида кўрилган мансабдор шахслар Б. Юнусов ва М.Салоҳиддинов томонидан етказилган моддий зарар суд жараёнида қоплангани учун уч йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланиб, суд залидан озод қилинди. Бундан бошқалар ҳам тегишли хулоса чиқаришса, ёмон бўлмасди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мансаб халқ хизматига камарбасталикдир. Шу боис ҳар бир мансабдор зиммасидаги ишонч ва масъулиятни оқлаши, ҳалол ва виждонан ишлаши лозим.

Анвар ҚУРОНБОЕВ,
ҳуқуқшунос

Nuqtai nazar

Жазо турининг энг қадимийси бўлмиш ўлим жазоси кўп асрлардан буён деярли барча давлатларда қўлланиб келинган. Бироқ унга нисбатан бўлган муносабат ва қарашлар вақт ўтиши билан ўзгариб борган. Дастлаб у қасос олиш ва бошқаларга сабоқ бўлиш вазифасини ўтаган бўлса, кейинчалик унга жиноятчига қайта жиноят қилишга имкон бермаслик, шу билан бирга бошқаларни ҳам бу йўлдан қайтариш вазифасини бажарувчи таъсир чораси сифатида қаралган. Кишилик жамияти тараққий этган сари ўлим жазосининг аҳамияти ҳам турлича изоҳланган.

ИНСОН ҲАЁТИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Бугунги кунга келиб ўлим жазоси тарафдорлари сафи тобора камайиб бормоқда. Жумладан, ўтган ўн йилликда ҳар йили ўртача 3 давлат ўлим жазосини бекор қилган. Натижада 1990 йилдан бошлаб ўлим жазосини ўзининг жазо тизимидан бутунлай чиқариб ташлаган давлатлар сони 35 тага етди. Лекин шунга қарамасдан, ўлим жазосини бутунлай бекор қилиш ёки қолдириш масаласи юзасидан ҳамон қизғин баҳслар давом этмоқда.

Хўш, бу борада инсон ҳаётини олий қадрият дея эътироф этган мустақил мамлакатимизнинг қатъий ёндашуви қандай? Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, Президентимиз Ислом Каримов Парламент палаталарининг қўшма мажлисида **“суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир”,** дея таъкидлаб ўтди. Албатта, бундай қарорга келишда кўплаб давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва узоқ изланишлар натижаларига асосланилган. Жумладан, БМТнинг 1988 йилда олиб борилган ва кейинчалик 2002 йилда тўлдирилган илмий изланиш ишлари натижасида жиноятчиликнинг ўсиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқлиги исботланган.

Иккинчи асос амалиётда учраб турадиган суд хатоси омилидир. Яъни, ўлим жазоси қўлланишда давом этар экан, айбсиз шахсларнинг ҳаётидан маҳрум этилиш хавфи сақланиб қолаверади. Буни бошқа турдаги жазоларнинг ижроси бошлангандан сўнг ҳам тўхтатиш ва бекор қилиш мумкин бўлса, маҳкумга нисбатан жазо чораси нотўғри тайинлангани аниқланиб қолган ҳолларда ўлим жазосига тортилган шахсни қайта тирилтириш имкони йўқлиги билан тушунтириш мумкин.

Дунёнинг энг демократик давлатлари бўлган АҚШ ва Японияда ҳам ўлим жазосини нотўғри тайинлаш ҳолларига батамом чек қўйишнинг имкони бўлмаяпти. Жумладан, АҚШнинг ўзида 1973 йилдан бери ҳукм қилинган жами маҳкумлардан 113 нафарига нисбатан ўлим жазоси нотўғри тайинлангани сабабли бекор қилинган.

Японияда ҳам шу каби ҳолатлар учраб туради. Лекин суд амалиёти хатосининг энг даҳшатлиси умрининг 33 йилини қамоқхонада ўз ўлимини кутиб ўтказган, сўнгра оқланган Саке Менда исмли шахс бошига тушган.

Ўлим жазоси ҳақида гап кетганда, маҳкумнинг яқинлари ва қариндошларига келтириладиган азобларни ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Агар маҳкумнинг азоблари жазо ижро этилиши билан якун топса, унинг яқинлари катта йўқотишни айнан шу дамдан бошлаб ҳис қила бошлайди ва бу кўп ҳолларда уларни бутун умрлик руҳий азобларга қўяди. Бу эса ушбу жазо биргина маҳкумни эмас, балки умуман айбсиз бўлган инсонларни ҳам руҳий қийноқларга солиб қўйиши мумкинлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

Тўртинчидан, тирик жиноятчи бошқалар учун ҳаётий сабоқ. Ўлим жазоси ижро этилгач, жиноят ҳам, жиноятчи ҳам жамият эсидан тезда чиқиб кетади. Шу маънода умрбод озодликдан маҳрум этиш — шахс қолган умрини оиласи, яқинлари, умуман бутун жамиятдан ажратилган ҳолда, доимий руҳий азобларда ўтказиши демакдир. Бу эса бир зумда юз берадиган ўлим жазосидан анча машаққатлироқдир десак, адашмаймиз. Бинобарин, умрбод озодликдан маҳрум этиш жиноятчи учун ўлим жазосига қараганда енгилроқ жазо экани ҳақидаги қарашлар асоссиз ҳисобланади.

Қолаверса, умрбод озодликдан маҳрум этилган шахслар таъминоти учун қилинадиган харажатлар уларнинг меҳнатлари билан қопланади. Бунинг учун даставвал маҳкумларни умрбод сақлаш жойлари ва улар меҳнатларидан фойдаланиш мумкин бўлган ишларни ташкил этиш лозим.

Ана шу заруратдан келиб чиқиб мамлакатимиз қонунчилигидан ўлим жазоси аста-секинлик билан босқичма-босқич олиб ташланмоқда. Хусусан, 1994 йилда Жиноят кодексида 13 та жиноят турига нисбатан ўлим жазоси тайинланиши назарда тутилган бўлса, 1998 йилда бундай жиноятлар сони 8 тага, 2001 йилда эса 4 тага камайтирилган.

Ҳозирда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ўлим жазоси фақат оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдирганлик (97-модданинг 2-қисми) ҳамда терроризм (155-модданинг 3-қисми) жиноятлари учун татбиқ этилади, холос.

Қисқа давр ичида миллий қонунчилигимизда рўй берган бундай катта ўзгаришлар мамлакатимизда инсон ҳаёти олий қадрият сифатида эъзозланаётганининг амалий исботидир.

Н. ҲАКИМОВА,
ҳуқуқшунос

E`htiyot bo`ling, firibgar!

Ёз кунларининг бирида самарқандлик Хуршида Неъматова Андижоннинг Пахтаобод туманига йўл олди. У бу ерга меҳмондорчиликка эмас, аксинча, содда одамларни чув тушириш учун келганди. У шу ғараз мақсадда мижоз ахтара бошлади. Эл орасида «иш топиб бериш, бошланғич харажатларни кўтаришни ўз зиммамга оламан. Бунинг эвазига иш ҳақининг бир қисмини менга бериб туришса, кифоя...», қабилида гап тарқатди.

ФИРИБ ТЎРИ

УНГА КИМЛАР ИЛИНАДИ?

— Хоҳловчилар бўлса, хорижга сердаромад ишга юбораман. Ишга кетган ҳар бир одамнинг уйига 200 АҚШ доллари миқдорида пул бераман.

— Бундай имкониятни қўлдан чиқармаслик керак, — деган қарорга келишди унинг гапига лаққа ишонишган содда мижозлар.

Хуршиданинг хорижга бориб, мўмай пул ишлаш ҳақидаги “тўри”га биринчи бўлиб Маҳфиратхон Ўринова илинди. Хуршида билан танишиб қолган ўғли Улуғбек уни онасига рўбарў қилди. Онабола Хуршиданинг ёлғон ваъдаларига чиппа-чин ишонишди.

— Фақат визага пул тўласаларинг бўлди, — дея Хуршида уларни илондек авради. — Қолган харажатларни ўзим тўлайман.

Дастлабки пайтда Хуршида сўзининг устидан чиқди. Андижондаги “Ал-сабр” фирмаси орқали 13 минг сўмдан давлат божи тўланиб, паспортларга тегишли белги қўйилиб, дунёнинг исталган давлатига бориш учун виза очирилди. Маҳфиратхон ва бошқалар бу визани кўргач, Хуршиданинг айтганларига сўзсиз кўнишди. Бу эса Хуршида учун айни муддао эди. Шу боис у энди дадиллик билан она-болани аврашга тушди:

— Очиғи, бу ишда сизларнинг ҳам ёрдамингиз керак, — деди Хуршида ялтоқланиб, — ишнинг юриши учун кўпроқ пул керак. Машинангизни сотиб, одамларни хорижга ишга юборишга ёрдам берсангиз, мен сизларга “Тико” ва “Нексия” русумли машина олиб бераман. Ўйлаб кўринглар, бунақа имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Хуршиданинг бундай алдовларига учган Маҳфиратхон ўғли Улуғбек миниб юрган “Тико” русумли автомашинани соттириб, 4 миллион 150 минг сўм нақд пул ва 240 минг сўмлик тилла тақинчоқларни фирибгарнинг қўлига тутқазди.

Шу тариқа Хуршида Рустамжон Тожибоев, Ҳалимжон Матёқубов, Илҳом Ҳамроқулов, Дилмурод Тошпўлатовдан 200 минг сўмдан самолёт чиптаси учун пул йиғиб олди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ИНСОНИЙЛИК БУРЧИ

у нималардан иборат?

Шу йилнинг биринчи чорагида таҳририятимиз хатқутисига мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаётган муштарийларимиздан бир юз элликка яқин шикоят-аризалар келиб тушди.

Афсуски, келаётган мактубларнинг ҳаммасини ҳам газета саҳифаларида чоп этишнинг имкони йўқ. Чунки айрим мактубларга назар ташласангиз, оддийгина оилавий низолардан бошлаб, қуни-қўшнининг оддийгина жанжали баён этилган. Вақоланки, бундан масалалар билан маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғинлари, борингки, ҳокимликлар шуғулланади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, маҳалла, туман ёки вилоят миқёсида ҳал бўлиши мумкин бўлган оддийгина муаммоларни ҳам республика матбуоти саҳифаларига олиб чиқиш шарт эмас. Тўғри, **"Фуқароларнинг мурожаат қилиш тартиби тўғрисида"**ги қонунга биноан, ҳар бир фуқаро ўзи истаган ташкилотга ариза, шикоят ёки таклиф билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Айтмоқчимизки, ҳуқуқий демократик жамият қурилишида иштирок этаётган ҳар бир фуқаро аввало ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши, қай масалада, қачон ва қаерга мурожаат қилишини яхши англаб етиши лозим. Ана шунда анча-мунча англашилмовчилик ва оворагарчиликларнинг олди олинади.

Бугунги мақоламизда асосан автоҳалокатларга оид шикоят-аризаларга тўхталишни лозим топдик. Бунинг сабабини мақолани ўқиш жараёнида тушуниб оласиз.

Қўлимиздаги биринчи мактуб Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани, Амир Темур номидаги жамоа хўжалигида яшовчи фуқаролар Ш.Бердиев, О.Жумаева, Э.Асадов, К.Алмуродов, Х.Кўчаров ва Б.Исматов томонидан йўлланган. Ўқувчиларимиз ҳам масаланинг моҳиятини англаб олишлари учун ушбу шикоят-аризадан қисқагина иқтибос келтириб ўтамиз:

"2004 йилнинг 4 сентябр тунги соат 22.30 ларда Шаҳрисабз-Қарши йўлида ҳаракатланаётган икки машина тўқнашиб кетиши натижасида автоҳалокат содир этилди. Тўра Исматов бошқарувидаги давлат рақами «18 L 91-01» "Дамас" русумли автомашина ва Мансур Тожиев бошқарувидаги давлат рақами "18 L 22-20" "Нексия" русумли автоуловларнинг тўқнашуви сабабли "Дамас" автомашинасининг рулида бўлган Тўра Исматов ва машинадаги икки йўловчи воқеа жойида ҳаётдан кўз юмишди. Автоҳалокатга "Нексия" машинасини бошқарган ҳайдовчи сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам суд жараёнида Мансур Тожиевнинг отаси Боймамат Тожиев Қамаши тумани ИПХда сақланаётган "Дамас"ни олиб кетиб, "ўрнига бошқа машина олиб бераман", деб тилхат ёзиб берганди. Шунингдек, айбдорлар жабрланувчиларнинг оилаларига моддий ва маънавий кўмак беришга ҳам ваъда беришганди...

Афсуски, орадан саккиз ойга яқин вақт ўтаётган бўлишига қарамай, айбдор томон на марҳум Тўра Исматовга тегишли бўлган "Дамас" автомашинасини қайтарди, на ўрнига бошқа машина олиб берди. Қолаверса, автоҳалокат натижасида вафот этганларнинг уйидан ҳам бирор марта хабар олишгани йўқ..."

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, бу бир томон, яъни жабрланувчиларнинг фикри. Биз ҳам холис сифатида айтишимиз лозим. Ушбу масалада бировни оқлаш ёки қоралаш фикридан йироқмиз. Айтмоқчимизки, на жабрланувчи, на айбланувчиларни ҳимоя қилиш бизнинг ваколатимизга кирмайди. Бизни масаланинг бошқа томони қизиқтиради. Шунинг учун ҳам бугунги мақоламизни айнан мана шу мактуб билан бошладик.

Биринчидан, агар автоҳалокат ҳақиқатдан ҳам, Мансур Тожиевнинг айби билан содир этилган бўлса, нега у ушбу фожиа сабабли дунёда бевақт кўз юмган жабрдийдаларнинг оиласидан одамгарчилик юзасидан бир марта хабар олмади?

Иккинчидан, агар автоҳалокатда Мансур Тожиевнинг айби бўлмаса, нега унинг отаси Боймамат Тожиев марҳум Тўра Исматовга тегишли бўлган автоуловни Қамаши тумани ИПХдан олиб кетди? Нима учун марҳумнинг оила аъзоларига бошқа машина олиб бериш ҳақида тилхат ёзиб берди? Энг асосийси, нега у ўз лафзида турмади?...

Агар биз шикоятчиларимиз ўз мактубларида келтирган барча саволларни келтирадиган бўлсак, унда биргина мақола камлик қилиб қолади. Шунинг учун ҳам ўртага асосий саволларни ташладик. Ўйлаймизки, мутасадди идора вакиллари бу саволларга жавоб топишади.

Энди иккинчи шикоят-аризага ўтсак. Ушбу мактубни бизга Жиззах вилояти, Зомин туманида яшовчи фуқаро Рауп Носиров йўллаган. Унда жумладан, шундай дейилади:

"2004 йилнинг 31 декабр куни оиламиз бошига кутилмаганда мусибат тушди. Шу куни ўғлим Баҳром Носировни машина уриб кетди. Автоҳалокат натижасида ўғлим дунёдан бевақт кўз юмди. Унинг рафиқаси бева, уч нафар вояга етмаган фарзанди етим бўлиб қолди. Энг алам қиладигани, автоҳалокат сабабчиси бўлган Улуғбек Шоимов бирор марта келиб биздан кўнгил сўрамади. Қолаверса, жиноий жазога ҳам тортилмади. Вақоланки, у ўша куни машина рулига маст ҳолда ўтирган. Агар у автоуловни маст ҳолда бошқармаганида автоҳалокат содир бўлмаган, демак, ўғлим Баҳром Носиров ҳам ҳаётдан бевақт кўз юммаган бўларми?..."

Азиз муштарий! Биз ҳар иккала мактубдан ҳам қисқача иқтибос келтирдик. Уларда келтирилган далиллар ҳақида ҳам тўхталиб ўтирмадик. Албатта, масаланинг қонуний жиҳатини ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳал қилишади. Сўнгги сўзни айтишни ҳам ҳуқуқшуносларимизга ҳавола этамиз. Биз эса ҳар икки ҳолат юзасидан айрим фикрларимизни айтмоқчимиз, холос.

Ҳар икки автоҳалокатга ҳам ҳайдовчиларни спиртли ичимлик ичган ҳолда машина бошқаргани сабаб бўлган. Одатда, иллатларнинг дояси бўлмиш ичкилик оқибатида жуда кўплаб жиноятлар содир этилади. Жумладан, биз юқорида таъкидлаб ўтган ҳар икки ҳолатда ҳам ҳайдовчиларнинг йўл қоидасини бузишлари, тезликни оширишларига уларнинг "отиб" олганлари сабаб бўлган. Шундай экан, машина бошқараётган ҳар бир инсон аввало, ичкилик оқибатида юз берган ва бераётган фожиалардан ўзларига керакли хулосаларни чиқариб олса, ёмон бўлмасди.

Шунингдек, ҳар икки мактубда ҳам жабрдийдалар айбдорлар томонидан лаоқал бир марта бўлсин кўнгил сўралганидан ранжишганини баён этишган. Вақоланки, агар айбдор бўлмаган тақдирда ҳам йиқилганни суяш, қоқилгандан кўнгил сўраш бизга ота мерос одат эканини унутиб қўймаслик керак.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳеч ким автоҳалокатни атайлаб содир этмайди. Бўлиб ўтган ҳар икки автоҳалокат, шубҳасиз, тасодифнинг маҳсули. Чунки автоҳалокат юз берган вақтда нафақат бир томон, балки ҳар иккала томоннинг ҳам ҳаёти хафв остида қолади. Ҳар иккала томон ҳам моддий ва маънавий зарар кўради. Шундай экан, биз на Мансур Тожиевни, на Улуғбек Шоимовни айбламоқчи эмасмиз. Фақат айтмоқчимизки, улар ўз вақтида жабрдийда оилалардан кўнгил сўрашлари, уларга имконлари даражасида моддий ва маънавий кўмак бериши лозим эди. Зеро, бу уларнинг инсоний бурчи ҳам ҳисобланади.

Хулоса ўрнида бир саволни ўртага ташлашни лозим топдик: инсоний бурч нима? Уни ким қандай тушунади? Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай, азиз муштарий?!

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Tahlil va saboq

Mashhurlarning sirli hayoti

СУРОНЛИ УМР САРҲИСОБИ

Эрнест Хемингуэйнинг дунёга машҳур "Чол ва денгиз" ёки "Алвидо, қурол!" каби ўнлаб асарларидан ҳеч бўлмаса бирини ўқимаган бирорта адабиёт ихлосманди топилмаса керак. Лекин кўпчилик бетакрор ёзувчининг шахсий ҳаёти ва фожиали ўлими тарихидан бехабар. Биз бугун сизга айнан шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Эрнест Хемингуэй 1899 йилда АҚШнинг Чикаго шаҳри яқинидаги Оак-Парк шаҳарчасида таваллуд топган. Отаси Кларенс касби шифокор бўлишига қарамасдан, ўз даврининг машҳур мергани ва балиқчиси эди. Хуллас, онаси кичик Эрнестга гўдаклигиданоқ мусиқага муҳаббат ўйғотишга қанчалик ҳаракат қилган бўлса, отаси унинг овчиликка қизиқиши учун ундан кам жон куйдирмаган.

Эрнест Хемингуэй ўн олти ёшида ўрта мактабни тугатиб, ўз тақдирини ўзи яратиш учун сафарга отланади. Ана шундан кейин у умрини сафарлар, саёҳатлар, жанггоҳларда ўтказди. У Америка қўшинлари сафида оддий аскар, ҳарбий журналист, Америка ва Канада газеталарининг оловли ҳудудларидаги махсус мухбири сифатида фаолият кўрсатди.

Отасининг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, у уста мерган ва моҳир балиқ овчиси ҳам бўлиб етишди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Эрнест оддийгина овчи эмасди. У майда жониворларни ов қилишни истамасди. Шунинг учун ҳам у Африкага сафари давомида шер, қоплон, қўтос каби йирик жониворларни овлар, бу учун ҳеч бир иккиланмасдан ўз жонини ҳам хатарга қўярди. У чангалзорлардаги овлар пайтида ўзини қанчалик хатарга қўйса, очиқ денгиздаги балиқ овида ҳам худди шундай йўл тутарди. Уни оддий балиқлар эмас, кит, акула каби йирик денгиз жониворлари қизиқтирарди. Машҳур "Чол ва денгиз" асари қаҳрамони тимсолида ҳам адиб ўз ҳаётини тасвирлашга уринади. Шунингдек, Эрнест буқалар жангига қизиққан ва бу қонли жангларда ўзи қатнашган.

Кўпчилик унинг урушга қарши ёзган асарларини (Масалан, "Алвидо, қурол!") яхши билади. Бу бир қарашда уни урушни ёмон кўрган, урушдан бор вужуди билан нафратланган инсон эканини кўрсатади. Аслида эса унинг урушга нисбатан муносабатида жуда кўп қарама-қаршиликлар мавжуд. Тўғри, у урушни ёмон кўрган, уруш оловини ёқувчи инсонлардан нафратланган, бу ҳақда ўз асарларида ҳам ёзган. Лекин шу билан биргаликда, қаерда уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар бўлса, албатта, ўзи ҳам ўша ерда бўлишга интилган. У бир эмас, бир неча урушларда ўз ҳоҳиши билан қатнашган. Бир неча марта жанггоҳларда оғир ярадор бўлган. Лекин яна қайта-қайта урушга отланган. Ўзининг таъбири билан айтганда, у ҳамиша ёмон ниятли одамлардан башариятни қутқариш учун жангга кирган.

Ўлимни ёмон кўргани боис, ўлим ҳақида нафрат билан ёзган. Шу билан биргаликда, ўз асарларида кўплаб қаҳрамонларининг ўлимини шу даражада усталик билан тасвирлаганки, ўқиш чоғида киши димоғига порох ҳидини ҳис этади. Ўқувчи ўлим олдидан азоб чекаётган қаҳрамоннинг изтироблари ўз қалбида ҳис қилади. Бу ёзувчининг улкан иқтидор соҳиби бўлганидан эмас, аксинча, кўрган-кечирганларини бўяб-бежамасдан, очиқ-ошкора тасвирлай олганидан далолатдир. Бу фикримиз билан Эрнест Хемингуэй иқтидорли ёзувчи бўлмаган, дейиш фикридан йироқмиз. Шубҳасиз, у фавқулодда иқтидор соҳиби эди. Агар шундай бўлмаганида, унинг асарлари жаҳон адабиёти дурдоналари сирасидан ўрин олмасди.

Эрнестнинг хотираси фавқулодда кучли бўлган. У бир кўрган одамининг юзини, гапириши, хатти-ҳаракатларини умрбод ёдида сақлаб қоларди. Шунингдек, у бир эшитган мусиқаси, ҳидлаган гули ва ўша гулнинг рангини ҳам ҳамиша ёдида сақлай оларди. Ана шу фавқулодда кучли хотира адибнинг асарларида ҳам ўз аксини топган. Балки Хемингуэйнинг бетакрор асарлар ёзишида ана шу хотиралари қўл келгандир. Лекин шу билан бирга у бир умр ўзининг кучли хотираси туфайли азият чекди. Чунки адиб Милан ҳарбий заводида кўрган портлаш оқибатлари, аёлларнинг бўлакларга бўлиниб кетган таналари, кейинги урушларда ўзи гувоҳ бўлган хунрезликлар, ёнаётган шаҳарлар, ўт орасида қолиб кетган болаларнинг чинқириғи, жанггоҳлардаги порох ва тутунинг ҳиди уни бир умр таъқиб қилди ва руҳан азоб берди. Уруш ҳақида эслаганда у **"жанггоҳлар – бу дунёнинг дўзахларидир"**, деган гапни кўп ишлатарди.

Адиб Африка чангалзорларида, Европада, Осиёда, Америкада, Альп тоғларида, Кубада, Килиманжарода, Испания ва Франциянинг юраги бўлмиш Парижда ҳам яшаган. У ўзининг илк ҳикояларини ҳам Парижда ёзган.

Адиб ижодга ҳам овчи кўзи билан қарарди. Ўз хотираларида бу ҳақда шундай ёзади: **"Мен учун навбатдаги асарни ёзиб тугатиш худди яккама-якка олишувда шерни мағлуб қилгандек бир ҳолат. Олишувда ўрмон қиролини енгиб қандай ҳузурлансам, янги китобимга сўнгги нуқтани қўйганимда ҳам худди шундай лаззатланаман. Тўғри, улкан шерни мағлуб қилганингда ёки янги асарни тугатганингда кимдир келиб сени кутласа, қандайдир бир мукофот берса, бу яхши. Лекин биров томонидан қутланмасанг, мукофотланмасанг ҳам зарари йўқ. Чунки ашаддий овчи шерни мағлуб қилгач, кимдир келиб мукофотлашини кутиб ўтирмасдан навбатдаги шернинг изидан тушади. Мен ҳам бир китобни тугатиб, иккинчи асар устида иш бошларканман, ўзимни худди навбатдаги шернинг ортидан тушган овчидек ҳис қиламан!"**

Эрнест Хемингуэй қўёшли Испанияни жонидан ортиқ севарди. Шу боис, Испанияда фуқаролар уруши бошланганда республикачилар сафида урушда иштирок этди. Бундан ташқари, унинг республикачи қўшинлар қўмондонлигининг мутлақо махфий топшириқларини бажаргани ҳақида ҳам етарли маълумотлар бор. Қолаверса, ўша даврларда Америка газеталарида чоп этилган Испаниядаги фуқаролар уруши ҳақидаги энг аниқ хабарлар ҳам Эрнест Хемингуэй қаламига мансуб бўлган. Испанияда фашистларнинг ғалаба қозонишини Эрнест Хемингуэй ўз шахсий фожиаси сифатида қабул қилди.

Адиб 1940 йилда қолган умрини Кубада ўтказишга қарор қилади. Афсуски, тақдир бу гал ҳам Хемингуэйни ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, Европада немис фашистларининг ҳукмронлиги бошланади. Ўзининг ҳаётини урушга қарши асарлар ёзишга бағишлаган инсон иккинчи жаҳон урушида томошабин вазифасини ўтай олмаслиги ойдек равшан эди. Испаниядаги фуқаролар урушидан сўнг ҳали ўзига келиб улгурмаган Хемингуэй энди фашистлар Германиясига қарши урушга отланади. У шахсан ХХ асрнинг энг оғир, энг даҳшатли ва энг хунрез уч урушининг гувоҳи бўлган эди. Шунинг учун ҳам ўз яшаб ўтган аср ҳақида ёзар экан, ички бир алам билан шундай дейди. **"ХХ аср — урушлар, зўрлашлар, қийноқлар ва инсоният тарихидаги энг кўп ўлимлар асридир!"**

Адиб биринчи жаҳон уруши даврида илк бор ўлим билан юзма-юз келади. Тўплар отишмасида унинг икки оёғи ҳам баравар ярадор бўлади. Шифокорлар операция столида Эрнестнинг оёқларидан ўттизга яқин осколка бўлакларини "териб олишади". Балки бошқа одам бўлганида ана шу жароҳат туфайли ҳам ногиронликка чиқиб олиши мумкин эди. Лекин адиб буни хоҳламайди. У яна урушга отланади.

Иккинчи жаҳон уруши ҳам адибга бир қатор "эсдалик"лар қолдирди. Аввалига у Лондонда автоҳалокатга учради. Кейинчалик Ардендаги жангларда икки марта бошидан ярадор бўлди. Лекин у ҳеч қачон орқага чекиниш ёки жароҳат туфайли жанггоҳни ташлаб кетишни истамади...

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг у ўзининг дунёга машҳур "Чол ва денгиз", "Океандаги ороллар", "Байрамлар ҳамиша сен билан" каби асарларини яратди.

Урушлар тугаса-да, омадсизликлар адибни тарк этмади. У урушдан кейин ҳам икки марта авиаҳалокатга учради. Энг ёмони, иккинчи авиаҳалокатда унинг умуртқа поғанаси икки жойидан синиб кетади. Энди у кўриш қобилияти заифлашгани, умуртқа поғоналаридаги доимий оғриқ туфайли ўтириб ишлай олмасди.

Сўнгги асарга нуқта қўйилди. Моҳир овчи энди акулага қармоқ ташлай олмас, унинг кўзлари фақат шарпаларнигина илғар, ҳаёти суронларда ўтган сайёҳнинг синган умуртқалари уни навбатдаги сафарга чиқишига йўл қўймасди. Унинг бу дунёда тун бўйи даҳшатли оғриқ берадиган умуртқаларидан бошқа эрмаги қолмаган эди. У бу ҳаётда муҳаббат ва ҳижрон, қувонч ва қайғу, ютуқ ва ютқазиш – ҳамма-ҳаммасини кўриб бўлган эди. У севди. Уни севишди. У ташлаб кетди. Уни ташлаб кетишди. У унутди. Уни унутишди. У ютди. Уни ютишди. Хуллас, бир инсон минг йил яшаб кўриши мумкин бўлган ҳамма нарсани кўрди.

У 1961 йил 2 июлнинг эрта тонгида, 62 ёшида ўзига шафқатсиз ҳукм ўқиди. Шу боис адиб отасидан қолган эсдалик — шер, қўтос ва филларни овлаганда ҳамиша йўлдош бўлган ов милтиғини сўнгги бор ўқлади. Бир муддат черков қўнғироғини кутди. Черков қўнғироғи илк марта занг урган бир пайтда буюк ёзувчининг ўйида ўқ овози янгради. У ов милтиғининг милини оғзига солиб, тепкисини оёқ бармоқлари билан босди...

Бу йил Эрнест Хемингуэй ўз жонига қасд қилганига роппароса 44 йил тўлади. Ўша машъум 1961 йилнинг 2 июлидан бери унинг ўлими ҳақида юзлаб, балки минглаб тахминлар айтилди. Лекин назаримизда, энг асосий гап ҳозирча айтилгани йўқ. Йўқ, кимлардир тахмин қилганидек, адиб телба эмасди. Умрини сўнгги дақиқасигача унинг ақлҳуши жойида эди. Ўз жонига қасд қилишининг асосий сабаби Эрнест Хемингуэй бу дунёнинг ўткинчилигини бошқаларга нисбатан аввалроқ англаб етган. У умр бўйи саъй-ҳаракат қилиб эришилган обрў, топилган мансаб, тўпланган бойлик ҳеч қачон инсонга вафо қилмаслигини тушуниб етган эди. Ана шу англаш уни ўз жонига қасд қилишга ундаганди...

Албатта, бу ҳам бир тахмин, холос. Зеро, инсон тақдири ёлғиз яратгангагина аёндир.

И. ҲАМРОЕВ тайёрлади.

Mitti maslahat

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

Никоҳ шартномасига Оила кодексининг 29-моддасида никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ҳамда (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувидир, деб таъриф берилган.

Никоҳ шартномасини тузишдан мақсад никоҳланувчиларнинг мулкий ҳуқуқ ва бурчларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик ривожланаётган ҳамда хусусий мулкчилик мавжуд бўлган даврда эр-хотиннинг мулкка бўлган муносабатига аниқлик киритишдир.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва у нотариал тартибда тасдиқланади. Фуқаролар никоҳ шартномасини тасдиқлаш учун ўзлари истаган нотариал идораларга мурожат этишлари мумкин. Никоҳ шартномасини нотариал идорада тасдиқлаганлик учун шартнома тасдиқланаётган кун амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Эр ва хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиш, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш, шунингдек, никоҳ шартномасига эр -ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақли. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Н. НОРМАТОВА,
ҳуқуқшунос

Charxi kajraftor

КЎЗИ ОЖИЗНИНГ "ҲУНАРИ"

Ҳаётда баъзан кўзи очиқ кишилар бажараётган чоғида панд еб қоладиган ишларнинг уддасидан кўзи ожизлар чиқишар экан. Қуйидаги мисол ҳам бу фикрни исботлайди.

Челябинск шаҳрининг 19 ёшли кўзи ожиз фуқароси Сергей Петров 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Кўзи ожиз кишига нисбатан нега бундай жазо қўлланилган экан, дея балки ҳайрон қолаётгандирсиз. Гап шундаки, у илгари ҳам гарчи кўзлари мутлақо кўрмаса-да, 11 марта хонадонларга талончилик қилиш мақсадида тушган. Ва бу тўнашларнинг барчасини қойилмақом қилиб бажарган. Лекин ҳеч ким ундан гумон қилмаган, буни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаган. Яна ким ҳайратланарлиси, Сергей ва унинг ота-онаси учун ўғирлик одатий ҳол, яъни кундалик юмушга айланиб қолган экан.

ҚАҲВАДОННИНГ БАҲОСИ

Беҳосдан қўлдан туширib юборилган қаҳвадоннинг баҳоси қанча туришини биласизми? 50.000 доллар. Ишонмайсизми? Яқинда Малайзия суди "Мэлейин Эйрлейнз" авиакомпаниясига 9 ёшли йўловчини "оғриқ ва азоб"га қолдиргани учун товон сифатида 50.000 доллар тўлаши ҳақида қарор чиқарди. Маълум бўлишича, ушбу авиакомпанияга тегишли самолётда стюардесса тасодифан унинг устига қайноқ қаҳваси бор қаҳвадонни туширib юборган. Болакай эса куйиш оқибатида 15 кун шифохонада даволаниб чиққан.

ХАЛОСКОР... МУРДА

Саратовдаги гараж-қурилиш ширкатида мурда йирик автотранспорт ўғрилигининг олдини олди. Тобут ўғирлашни мақсад қилишган ўғрилар иккита гаражни очишди. Улардан бири бўш эди, яъни тобутни созлатиш учун олиб кетишганди. Иккинчисига кирган ўғриларнинг қўрқувдан юраги ёрилишига сал қолди. Чунки улар марҳум ётган тобутга дуч келишган эди. Гараж эгасининг кейинчалик айтишича қараганда, бир кун аввал аёл қариндоши вафот этиб, яқинлари дафн қилингунга қадар мурдани совуқ жойда сақлаб турмоқчи бўлишган ва шу мақсадда уни гаражга келтириб қўйишган экан. Шу тариқа нақд юраги ёрилаёзган ўғрилар ўз режасини амалга оширолмаган экан.

Динора АҲМАТОВА тайёрлади.



Беғубор болалик

E`htiyot bo`ling, firibgar!

ФИРИБ ТЎРИ

УНГА КИМЛАР ИЛИНАДИ?

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Тез орада уларнинг сафига қўшилган Азизбек Каримов 120 минг, Нозимжон Алқосимов 150 минг, Абдувоҳид Ибрагимов 350 минг, Ҳамидулло Сотимов 180 минг, Сардорбек Супурбеков 180 минг, Воҳиджон Ҳайдаров 320 минг, Эркиной Маҳкамова 130 минг, Исмоилжон Йўлбарсов 300 минг, Ҳусниддин Қўчқоров 200 минг, Зокиржон Комилов 465 минг, Иззатбек Аҳмедов 250 минг, Мақсуда Аҳмадалиева 325 минг, Авазбек Сотимов 335 минг, Илғор Ҳасанов 330 минг пулларини Хуршидага ўз қўллари билан топширишди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бундан ташқари, у Рустам Тожибоев, Ҳалимжон Матёқубов, Илҳом Ҳамроқулов ва Дилмурод Тошпўлатовдан уч-тўрт кунда қайтариш шарти билан 400 минг сўм пулни қарзга, деб ҳам олди.

Хуршида ўзига шубҳа назари билан қараган кишига шу тумандаги "Иттифоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳарбий ҳисоб бўлими бошлиғи бўлиб ишловчи Орифжон Ҳамроқулов ёрдамида тайёрланган сохта ҳужжатни кўрсатар эди. Унда Хуршида Неъматованинг 1959 йил 27 декабр куни Андижон вилояти, Пахтаобод туманида туғилгани, ҳозирги кунда 45 ёшга тўлиши муносабати билан паспорти алмаштириш учун ички ишлар бўлимига топширилгани қайд этилган бўлиб, унга "Уйғур" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳ. Исмоилов номидан имзо чекилган "Иттифоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинининг думалоқ гербли муҳри босилган эди. Аслида эса Хуршида Неъматова 1965 йили 22 октябр куни Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида туғилиб, айни пайтда Боғишамол туманидаги Хишров қишлоғида доимий яшаб келар эди. Қалбаки гувоҳнома Пахтаободда Хуршиданинг одамлар ишончига киришига ёрдам берди.

Хуршида бу ишга ўз-ўзидан қўл урмаган эди. У 1996 йилдан бошлаб тижорат қилиш мақсадида хорижга қатнай бошлади. Шундай safарларнинг бирида Дубай шаҳар полиция маҳкамасида ишловчи Муҳаммад ибн Тоҳир Абдулло исмли киши билан танишиб, унга турмушга чиқади. У билан келишиб, Ўзбекистондан одамларни ёллаб, ишга юборишни йўлга қўяди. Бир неча нафар одамни хорижга ишга жойлаштириб, уларнинг ортидан яхшигина даромад топади. Бу орада у Дубайдан мамлакатимизга депортация қилинади ва фамилиясини ўзгартириш мақсадида гарчи бирор кун яшамаса-да, иштихонлик Исмат Неъматов билан расмий никоҳдан ўтади. Сўнгра яна ноқонуний йўл билан хорижга ишлашга одам ёллаш билан шуғуллана бошлайди.

Пахтаободда унинг пул халтаси тўлди-ю, лекин иши юришмади. Бу ердан йиғиб Тошкентга юборган одамларининг бирортаси ҳам хорижга кетолмади. Алданганлар бир неча кун Тошкентда бўлишиб, охири уйларига қайтиб кетишди.

Шундай бўлса-да, Хуршида тинмай одамларга янги-янги визалар очирар, Дубайдаги танишига қўнғироқ қилар, яна аллақандай Комилжон Ёқубов, Сергей Герасимовлар билан музокара олиб борар эди. Шу тариқа у жами 39 нафар кишига виза очириш учун ҳужжат тайёрлаган. "Иттифоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳарбий ҳисоб бўлими бошлиғи Орифжон Ҳамроқулов эса унга қалбаки ҳужжатлар тайёрлашга астойдил ёрдам берган.

— Мен ҳам хорижга ишга бормоқчи бўлиб, уйимдаги сигиримни сотиб, 125 минг сўм пулни Хуршидага бердим, — дейди Улуғбек Усмонов. — Ўша вақтларда амакимнинг ўғли Ойбек ҳам хорижга бормоқчи эканини айтган эди. Мен ундан ҳам 125 минг сўм пул олиб, Хуршидага берган эдим. Узоқ кутишдан сўнг 14 нафар одам Тошкент шаҳрига йўл олдик ва ижара уйда ўн кун яшадик. Алданганимизни билгач, ноилож уйга қайтиб келдик.

— Мен Хуршидага 80 минг сўм пул берганман, — дейди Дилмурод Тошпўлатов, — у 2003 йилнинг 8 октябр куни учиб кетасизлар, деган эди. Шу боис 8 октябр куни Пахтаободдан Андижонга бордик. Хуршида бизни Тошкент шаҳрига олиб келди. Бу ерда Маърифат исмли аёл паспортларимизни олиб, эшикни қулфлаб қўйди ва бизни ҳеч қаёққа чиқармади. Бу ерда 20 кун яшадик. Бу орада Хуршида бизга "хорижга яхши етиб келдик", деган мазмунда уйимизга телефон қилишни тайинлади. Биз унинг айтганини бажардик. Бироқ орадан яна 12 кун ўтса-да, хорижга кетолмадик. Шундан сўнггина алдганимизни билиб қолдик...

Албатта, ҳар нарсанинг чек-чегараси ва меъёри бўлганидек, Хуршиданинг ҳам фирибгарлик ҳаракатига якун ясалди.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари томонидан қўлга олинган Хуршида тергов даврида Пахтаобод туманидаги 60 нафарга яқин кишининг жами 14 миллион 666 минг сўм пулини фирибгарлик йўли билан ўзлаштирганини тан олди. Текин даромад йўлида жиноятга қўл урган Хуршида Неъматова энди қонун олдида жавоб беради. Лекин масаланинг бошқа жиҳати кишини ўйлантириб қўяди: нега шунча одам пешона тери билан топган ҳалол пулларини сўрабсуриштирмай, таниб-танимаган фирибгарнинг қўлига осонгина тутқазиб қўйишди? Нима учун улар хорижга боришнинг қонуний йўлларини ўйлаб кўришмади?

Муаммонинг туб илдизи шу ерда эмасмикан?

Шавкатбек АҲМЕДОВ,
ҳуқуқшунос
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6